*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 203 (9193). 26 октябрь, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.



ҚОММУНИСТИК районида жойлашган область физиотерапия санаториясининг ишчи-хизматчилари Свердлов номли колхоз пахтакорларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Суратда: (ўнгдан) ҳамширалардан Луиза Хегай ва Тамара Қавтуновалар теримда кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар.

А. Ахатов фотоси.

# ОКТЯБРЬ БАЙРАМИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

## ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ МЎЛ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

Партиямизнинг XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг ундан кейин бўлиб ўтган қатор Пленумларида саноат «Б» группаси тармоқларининг тез юксалишини таъминлаш, халқ эҳтиёжлари учун турли-туман буюмлар ишлаб чиқаришда, уларнинг сифат даражасида жиддий силжишларга эришиш биринчи даражали иқтисодий ва сиёсий вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов партиямиз Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумидаги нутқида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва айниқса сифатини ошириш зарурлигига эътиборни қаратиб бундай деди: «...Харидоргир бўлган зарур миқдордаги молларни ҳам ишлаб чиқариш керак. Бунда сифат кўрсаткичлари ҳеч қандай истесносиз энг юксак даражада бўлиши керак».

Республика партия-хўжалик активининг куни кеча бўлиб ўтган кенгашида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Унда шу соҳада эришилган ютуқлар қатори қўпдан-кўп камчиликлар, ҳал қилинмаган масалалар, зудлик билан ечилиши лозим бўлган муаммолар, фойдаланилмаётган резервлар борлигига эътибор қаратилди.

Бизнинг пойтахт областимизда ҳам халқнинг моддий ва маданий фаровонлигини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар комплексида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, хилини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу муҳим социал ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ишда сезиларли силжишга эришилмоқда.

Областимизда енгил, озиқ-овқат, мебель, маҳаллий ва халқ учун моллар ишлаб чиқарувчи бошқа саноат тармоқлари муттасил ривожлантирилмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даврида экономиканинг шу тармоқларини юксалтиришга юзларча миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Қатор янги корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари, цех ва участкалар ишга туширилди. Мавжуд корхоналар реконструкция қилинди, уларнинг қишлоқларда филиаллари очилди, кўплаб замонавий асбоб-ускуналар, прогрессив технология жорий қилинди. Оғир, машинасозлик саноати, яъни «А» группа корхоналарида ҳам маданий-маиший моллар ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва уларни тайёрлаш ҳажми муттасил ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда уч юздан ортиқ корхона, яъни областимиздаги барча корхоналарнинг тўртдан уч қисми халқ учун моллар ишлаб чиқармоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва маҳаллий хомашёдан кенг истеъмол товарлари тайёрлаш ҳам кўпайиб бормоқда.

Кўпчилик бирлашмалар ва корхоналар меҳнат аҳли маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилашда маълум ютуқларга эришмоқда, план топшириқларини маҳсулотнинг умумий ҳажми ва турлари бўйича тўла ва ошириб бажармоқда. Шу туфайли ҳам ўн биринчи беш йиллик марказий йилининг ўтган тўққиз ойида областимиз бўйича халқ учун моллар ишлаб чиқариш плани ортиғи билан адо этилди.

Айрим саноат корхоналарида кенг истеъмол моллари тайёрлашни кўпайтириш қатори уларнинг сифатини яхшилашда муайян натижаларга эришилмоқда. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кийимларнинг 63 проценти, Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасида 45,6, Олмалиқ мебель фабрикасида 33,2, Янгийўл мебель фабрикасида 40,4 проценти Давлат сифат белгиси билан чиқарилмоқда. «Тошкент» мебель, В. П. Чкалов номидаги авиация бирлашмаларида, Тошкент бадиий буюмлар, Олмалиқ гилам фабрикаларида ҳам сифати олий категориядаги молларни тайёрлаш кўпаймоқда.

Кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда эришилган бу ютуқлар халқимизнинг кун сайин ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш йўлидаги дастлабки қадамлардир, холос. Чунки, халқ истеъмол қиладиган кўпгина турдаги моллар тайёрлаш ҳажми, сифати ҳали аҳоли талабларидан орқада қолмоқда. Тўққиз ойлик иш якунлари айрим бирлашмалар ва корхоналарда бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш планлари бажарилмаётганлигини ҳам кўрсатиб турипти. Шундай қолоқлар орасида Олмалиқ рўзғор химияси заводи, Бекобод металлургия комбинати, Чирчиқ шиша заводи, Яланғочдаги 2 ва Янгийўлдаги 8-ғишт заводлари бошқармалари, «Чирчиксельмаш», Янгийўл консерва заводлари ва бошқа корхоналар бор.

Оғир, машинасозлик саноати корхоналарида истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суст кўпайтирилмоқда. Бунинг оқибатида баъзан энг оддий маданий-маиший моллар ва рўзғор буюмлари ҳам четдан келтирилмоқда. Иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш тўхтовсиз ортиб бораётгани ҳолда айрим корхоналарда тайёрланаётган маданий-маиший буюмлар иш ҳақи фонди ҳажмига нисбатан орқада қолмоқда. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Узбекхлопкомаш» ва «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа қатор корхоналарда шундай аҳвол ҳукм сурмоқда. «Подъемник», «Узбекхиммаш», компрессор заводлари кенг истеъмол товарлари тайёрлаш бўйича қўшимча топшириқларни уддаламаяптилар.

Халқ эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилаётган моллар сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш, уларни давр талабига мувофиқ янгилаб туриш, бундай буюмларнинг рақобат қобилиятини ошириш, уларга материал ва хом ашё ишлатилишини камайтириш шу куннинг муҳим вазифасидир. Шундай экан, областимиздаги ҳар бир саноат бирлашмаси ва корхонаси коллективидан бу вазифанинг муваффақиятли ҳал қилинишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши талаб этилади. Бунинг учун барча резервлар ва имкониятларни ишга солиш, аввало маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш лозим. Ҳамма жойда янги, илғор технологияни кенг жорий этиш, янгидан ишга туширилаётган ишлаб чиқариш қувватларини белгиланган муддатларда тўла ўзлаштирилишига эришиш керак.

Мамлакат илғор корхоналарининг КПСС Марказий Комитети томонидан яқинда маъқулланган ташаббуси оммавий равишда талаб қилинаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш учун кенг истиқболлар очади. Бу корхоналар коллективлари юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдиришга чақирдилар. Уларнинг бу ватанпарварлик даъватига республикамизнинг қатор енгил ва тўқимачилик саноати корхоналари коллективлари, жумладан «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари «лаббай» деб чиқдилар. Улар зиммаларига оширилган янги мажбуриятлар олдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади ва кенг ёйишга тавсия этди.

Жойлардаги партия ташкилотлари, хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бу ташаббуснинг кенг ёйилишини таъминлашлари, барча корхоналарда кенг истеъмол товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш учун мусобақани янада такомиллаштиришлари, ҳар бир меҳнат коллективи томонидан бундай буюмлар ишлаб чиқариш планларининг сўзсиз бажарилишига эришишлари зарур.

**САНОАТ ХОДИМЛАРИ! АҲОЛИ УЧУН КЕРАКЛИ МОЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРИНГИЗ, ТУРЛАРИНИ ЯНГИЛАНГИЗ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАНГИЗ!**

**ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИНИНГ ИШИДИР!**

(КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларидан).

## ОҚ ОЛТИН—ВАТАНГА

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бўка | 1,15 | 98,53 | 1,32 | 94,24 |
| Коммунистик | 1,40 | 96,55 | 0,31 | 100,58 |
| Пискент | 1,64 | 86,84 | 0,78 | 61,27 |
| Оққўрғон | 1,30 | 86,76 | 1,74 | 79,84 |
| Ўрта Чирчиқ | 1,30 | 84,69 | 1,03 | 77,88 |
| Бекобод | 1,29 | 82,92 | 1,34 | 54,91 |
| Чиноз | 1,25 | 77,97 | 1,03 | 52,41 |
| Ғалаба | 1,13 | 77,54 | 0,58 | 64,05 |
| Янгийўл | 1,02 | 68,31 | 0,85 | 34,89 |
| Область бўйича: | 1,26 | 85,07 | 1,17 | 70,67 |

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### ПЎЛАТ ЭТАКЛАР БАРАКАСИ

БЎКА. Дастлабки маррага яқинлашиб қолган районда катта меҳнат ғалабасига эришилди. «Зангори кема»лардан хирмонга 57 минг 500 тоннага яқин «оқ олтин» тўкилиб, машина терими плани муваффақиятли бажарилди.

Машина териминнинг долзарб палласида район хўжаликларида 413 агрегатнинг юксак унум билан ишлаши таъминланди. Мавсум давомида ҳар бир машина билан ўртача 139 тоннадан кўпроқ пахта териб олинди.

Район механик-ҳайдовчилари ўртасида авж олган социалистик мусобақада кўпгина механизаторлар юқори натижаларга эришдилар. «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Элбой Очилов, Сервер Усеинов, «Коммунизм» колхозидан Абдулла Омонтоев, Нуриддин Нуралиев, Аввалбек Оқилбоев ва бошқа дала гвардиячилари терим агрегатлари бункеридан 250—300 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

### ДЕПУТАТ—НАМУНА

**ЧИНОЗ. К. Маркс номли колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турсунмурод Бобоёров бошчилик қилаётган бригада коллективи районда биринчилар қатори давлатга пахта сотиш бўйича ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилига олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт берди. Дала меҳнаткашлари 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтардилар. Ялпи пахта ҳосилининг 95 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Коллектив ютуғига моҳир механизаторлар Асрор Собиров ва Мирза Ортиқовлар муносиб улушларини қўшдилар. Улар машиналари билан 130—140 тоннадан пахта теришга эришдилар.**

**Аҳдига вафодор бригада коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш бўйича оширилган социалистик мажбурият қабул қилди.**

### МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ — УЛУҒ ОКТЯБРГА

ОҚҚЎРҒОН. КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан руҳланган илғор бригадалар пахтакорлари социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариб, Улуғ Октябрнинг 66 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар. Ўтган куни Навоий номли колхознинг Сафар Икромов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтариб, берган сўзларининг устидан чиқдилар. Улар 50 центнерлик маррани эгаллаш учун теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

«Ленинизм» колхозидан Гулой Тулепбекова бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам дастлабки мажбуриятларини бажардилар. Ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга аҳд қилган миришкорлар оширилган мажбурият ҳисобига пахта топшираётирлар.

### КУНЛИК ЎСИШ ИЛҒОРЛАРИ

**КОММУНИСТИК. Ўтган куни район марказида К. Маркс номли колхоз пахтакорлари шарафига меҳнат шон-шуҳрат байроғи кўтарилди. Бу колхоз аъзолари кунлик ўсишда район хўжаликлари ўртасида энг юқори натижага эришдилар. Улар қабул пунктларига 48 тонна пахта етказиб бердилар. Бу йиллик планнинг 2,59 процентини ташкил этади. Колхоздаги илғор бригадаларда эса кунлик ўсиш 3—3,5 процентни ташкил этмоқда. Хўжалик пахтакорлари бунга теримни зўр уюшқоқлик билан олиб бораётганликлари туфайли эришаётирлар.**

### ЧИРЧИҚЛИКЛАР ХИРМОНИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Шу кунларда район пахта далаларида Чирчиқ шаҳри корхона, ташкилот ва муассасаларининг коллективлари «Ўроқ ва Болға» иттифоқига садоқатларини намойиш этмоқдалар. Улар ўтган куннинг ўзида хирмонга 361 тонна «оқ олтин» териб тўкдилар. Шаҳар ҳашарчиларининг мавсум бошидан терган пахталари эса 8200 тоннадан ортиб кетди.

Район меҳнаткашлари, айниқса, «Узбекхиммаш» заводи ва шаҳар медицина билим юрти коллективлари кўрсатаётган ёрдамдан мамнунлар. Завод ишчи-хизматчилари ҳозиргача хирмонга 232 тонна, бўлажак шифокорлар эса 657 тонна «оқ олтин» тўкдилар. Улар «Коммунизм» ва А. Икромов номли колхозлар аъзоларининг мададкорлари бўлмоқдалар.

### БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

**БЕКОБОД. Гулчеҳра Худойқулова, Жамила Нурхонова, Сабоҳат Комилова, Замира Умарова, Клара Расулова ва бошқа қизлар пахта теримида «Ленинград» совхозининг кўпмингкилограммчиларидан қолишмаяпти. Бекобод педагогика билим юртининг бу талабалари мавсум бошидан бери 4—5 тоннадан пахта териб қўйдилар.**

**Билим юртининг 700 нафар талабаси хўжалик аъзолари билан бир сафда туриб меҳнат қилмоқда.**

## БАЙРОҚ УЛАР ҚЎЛИДА

ҲОЗИРГИ вақтда пахтазор том маъноси билан жасорат майдонига айланган. Меҳнатга яроқли ҳар бир киши ўз ўрнини «оқ олтин» далаларида деб билмоқда. Бу йилги йиғим-терим мавсуми шуни тақозо этаётир. Об-ҳавонинг илиқ-иссиқ келиши пахтакор, механизатор ва ҳашарчиларнинг ғайратига-ғайрат қўшмоқда.

Чиноз районидаги Навоий номли колхозда Калинин районининг «Партия XXI съезди» ва «Бўзсув» совхозлари ҳамда ўрта мактаб ўқувчиларидан иборат 700 дан ортиқ ҳашарчи зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Мактаблараро ташкил этилган социалистик мусобақада Ҳамид Олимжон номли 20-ўрта мактаб ўқувчилари карвонбошилик қилишмоқда. Юқори синф ўқувчиларидан Эрмат Шукуров, Дилором Исмоилова, Дилфуза Айсинова, Ҳамидулла Ўринчабеков кабилар ҳаммадан кўп «оқ олтин» териб хирмонга муносиб улушларини қўшмоқдалар.

«Партия XXI съезди» совхозидан келган ҳашарчилар мустаҳкам интизом, юксак уюшқоқлик билан меҳнат қилишмоқда. Теримдан бўш вақтларида эса колхоз кўчма кутубхонасидан турли бадиий китоблар олиб ўқишиб, шу мавзуларда қизғин баҳс ва суҳбатлар ўтказишмоқда.

— Колхозимизда яна бир пешқадам ҳашарчи коллектив бор, — дейди Навоий номли колхоз партия ташкилотининг секретари Убайдулла Мирсобиров. — Навоий номли 29-ўрта мактаб ўқувчилари октябрь ойининг бошидан пешқадамликни қўлдан бермай келаётирлар. Район кўчма Қизил байроғини биринчи беш кунликда олишга муяссар бўлишган эди. Ҳозирги кунгача байроқ улар қўлида. Илғор теримчи ўқувчилардан Дилмон Аширмуҳамедов, Жамол Ёқубов, Саид Муталов, Олим Исроиловлар шу кунгача 3—4 тоннадан пахта териб, ўз тенгдошларига намуна бўлишяпти.

Ҳашарчиларнинг кўмаги билан шу кунгача колхоз гектаридан 25,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Улар 40 центнерлик маррани тезроқ эгаллаш учун бор куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Колхозда социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш билан бирга терим иштирокчиларига зарур маданий-маиший шароитларни яратиб бериш, медицина ва савдо хизматларини яхши йўлга қўйишга алоҳида эътибор берилялти. Яқинда Тошкент область партия комитети томонидан тузилган агитбригада коллективи пахтакор ва ҳашарчилар ҳузурида бўлишди. Агитбригададаги лекторлар шу куннинг муҳим вазифалари мавзусида лекциялар ўқишди. Бадиий ҳаваскорлар эса ўзларининг дилрабо куй, қўшиқ ва рақслари билан ҳашарчилар ва пахтакорларни хушнуд этишди.

Г. МАМБЕТОВА.

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

## ҲАШАРЧИЛАР САФИДАМИЗ

БУГУНГИ кунда меҳнатга яроқли ҳар бир киши ўз ўрнини пахтазорда деб билмоқда. Жумладан, Оҳангарон райони меҳнаткашлари ҳам бирнеча кундан бери Ғалаба районининг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Димитров номли, Ҳамза номли колхозлар ва бошқа хўжаликларида пахтакорларга кўмаклашмоқдалар.

Айни пайтда пахтазорда саккиз мингдан зиёд ҳашарчи тер тўкяпти. Район саноат корхоналари ва совхозларнинг ишчилари, ўқув юртлари ҳамда мактабларининг ўқувчилари шу кунгача 2500 тоннага яқин пахта териб бердилар.

Бинокорлик материаллари саноати техникумининг студентлари Димитров номли колхозда пахта теришаяпти. Уларнинг ҳар бири мавсумда 1,5 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олишган. Шу кунгача ҳар бир студентнинг терган пахтаси бир тоннадан ошиб кетди. Айниқса, студентлардан Дилбар Еримбетова, Абдурашид Баратов, Феруза Ниёзова кабилар кунига 100—200 тоннадан подбор теришаётир.

21-автобазадан бу йил 26 киши пахта йиғим-теримига келган. Улар колхоз хирмонига кунига 2,5—3 тоннадан «оқ олтин» тўкишаяпти. Шу кунгача 70 тоннага яқин «оқ олтин» хирмони уйилди.

— Оҳангаронлик ҳашарчиларнинг меҳнатидан мамнунмиз, — дейди Димитров номли колхоз касаба союз ташкилотининг раиси Ўролбой Ўрозов. — Улар умумий хирмонимизга барака киритишяпти. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясаяпмиз. Жумладан, октябрь ойининг иккинчи беш кунлиги якунларига кўра «Оҳангарон» совхози биринчи, ғалла маҳсулотлари комбинати иккинчи, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳашарчилари учинчи ўринни қўлга киритиб, 500 сўм пул мукофотини бўлиб олдилар. Колхоз правлениеси ҳашарчилар учун барча шароитларни яратиб берган.

Ҳашарчилар ҳузурига тез-тез агитбригадалар келиб турипти. Савдо, медицина, маданий-маиший хизмат намунали йўлга қўйилган. Жумладан, куни кеча Оҳангарон шаҳар маданият уйининг «Наргиз» вокал чолғу ансамбли Димитров номли колхоз марказида бўлиб, ҳашарчилар учун концерт қўйиб беришди.

**М. ҚОДИРАЛИЕВ,**
**Оҳангарон район халқ контроли комитетининг раиси, пахта штаби бошлиғи.**

**БЎСТОНЛИҚ районидаги 29-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари (суратда) Мурод Мўминов ва Гулсин Жониқуловалар ҳам тенгдошларига намуна кўрсатиб меҳнат қилишаяпти. Улар Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхозининг 4-бўлимида кунлик нормаларини анча ортиғи билан бажаришмоқда.**

И. Портнов фотоси.



## «ОГОНЁК» РАПОРТ БЕРДИ

### ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ «ОГОНЁК» СОВХОЗ-ЗАВОДИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

**«Огонёк» совхоз-заводи коллективи мева ва узум етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан зиммага олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари бажарди. Илғор фан ютуқлари, тажрибалар кенг қўлланилганлиги, агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилганлиги учун боғ ва токзорларда ҳосил мўл бўлди. Ҳозиргача мажбуриятдаги 5 минг тонна ўрнига 6500 тонна мева ҳосили олинди. Ҳар гектаридан 216,7 центнердан мева йиғилди. Шунингдек, мажбуриятда кўзда тутилган 9 минг тонна ўрнига 9150 тонна узум топширилди. Ҳосилдорлик 203,3 центнерни ташкил этди.**

**Мамлакатимизнинг саноат шаҳарлари марказларига пландаги 1830 тонна ўрнига 3044 тонна мева ва узум жўнатилди. Тошкент шаҳрининг савдо тармоқларига 3148 тонна маҳсулот етказиб берилди. Шундай қилиб, совхозда ўн биринчи беш йилликнинг уч йили плани анча ортиғи билан адо этилди.**

**Совхозда чорва қишловининг намунали ўтиши учун барча шарт-шароит яратиб қўйилган. Керакли миқдорда ем-хашак жамғарилган. Айни кунларда совхозда кузги-қишки тадбирлар кучайтириб юборилган.**

**Завод, шунингдек, винони дастлабки қайта ишлаш социалистик мажбуриятини ҳам муваффақиятли бажарди.**

